

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 6 » ИЮНЬ 2019 г.

№ 462

Toshkent sh.

**2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга
уруғлик картошка етказиб бериш ва ички истеъмол бозорини ижтимоий
муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли тўлдириш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Республикада картошкачилик соҳасини янада ривожлантириш, картошканинг ҳосилдор навлари уруғ фондиди яхшилаш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” 2019 йил 29 мартдаги 259-сон қарорига мувофиқ асосий ва ғалладан бўшайдиган майдонларга уруғлик ва истеъмол картошқасини экишга жалб этилган қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларини сифатли уруғлик картошка билан таъминлаш ва ички бозорга ижтимоий муҳим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини кафолатли етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Картошка етиштирувчилар» уюшмаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларининг 2019 йил ҳосили учун “Картошка етиштирувчилар” уюшмасининг (кейинги ўринларда Уюшма деб аталади) “Бўстонлик картошкачилик маркази” МЧЖ томонидан етказиб бериладиган ҳамда четдан келтириладиган уруғлик картошка ҳажмлари тўғрисидаги таклифлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда “Бўстонлик картошкачилик маркази” МЧЖ томонидан захирада сақланаётган ва четдан келтириладиган уруғлик картошка ҳажмларини туманлар кесимида жойлаштирсин;

10 кун муддатда “Бўстонлик картошкачилик маркази” МЧЖ томонидан захирада сақланаётган ва бошқа хўжалик субъектлари томонидан четдан келтириладиган уруғлик картошка ҳажмларини Вазирлар Маҳкамасининг “2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида” 2018 йил 29 мартдаги 259-сон қарори доирасида картошка экишга жалб этилган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан шартномалар асосида харид қилишда амалий ёрдам кўрсатсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси:

10 кун муддатда “Бўстонлик картошқачилик маркази” МЧЖ томонидан захирага жамғарилган уруғлик картошқани имтиёзли тарифларда (бир килограмм уруғлик картошқа учун 5 сўм миқдорда) сертификатланишини таъминласин;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргаликда 2019 йил ҳосили учун четдан келтирилган уруғлик картошқанинг сифатини назоратга олсин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар томонидан мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган уруғликнинг экилишини таъминласин;

четдан келтирилган “элита” классдаги картошқа уруғидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар томонидан 2020 йил ҳосили учун экилган ерларни апробациядан ўтказилиши ва сифатли уруғлик картошқага мувофиқлик сертификати берилишини ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил ҳосили учун картошқа экадиган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига уруғлик картошқа харид қилиш учун 136 млрд.сўмни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ягона ғазна ҳисобварағида жамланган вақтинча бўш маблағлар ҳисобидан, истисно тариқасида, “Агробанк” АТБга 2019 йилнинг 1 июлига қадар йиллик 8 фоиз ставкада бир йил муддатга депозитга жойлаштирсин.

“Агробанк” АТБга 2019 йил ҳосили учун картошқа экадиган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига йиллик 10 фоиз ставкада кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, 2019 йил ҳосили учун уруғлик ва истеъмол картошқаси экишга жалб этилган фермер хўжаликларига ажратиладиган кредитлар бўйича ҳисобланадиган фоиз ставкасининг 50 фоизи Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамгармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти четдан келтириладиган уруғлик картошқанинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ўз вақтида ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш мақсадида тадбирларга жалб этилган хўжалик субъектларига имтиёзли (50%) тарифларда темир йўл хизматлари кўрсатиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Уюшма, Молия вазирлиги ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар 2020 йил ҳосили учун захира қилинадиган уруғлик картошқа ҳажмлари ва молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти Уюшма ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда фермер хўжаликларига картошқа навларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўтказиладиган агротехник тадбирлар юзасидан амалий семинарларни ташкил этсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига юклансин

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил « 6 » июндаги
462 -сон қарорига 1-илова

**2019 йил ҳосили учун “Картошка етиштирувчилар” уюшмасининг “Бўстонлик картошкачилик маркази”
МЧЖ томонидан етказиб бериладиган ҳамда четдан келтириладиган уруғлик картошка
ҲАЖМЛАРИ**

Худудлар	Жами етказиб бериладиган уруғлик картошка ҳажми, тонна	“Бўстонлик картошкачилик маркази” МЧЖ томонидан етказиб бериладиган уруғлик ҳажми, тонна	шундан:	
			импорт ҳисобидан	
			уруғлик картошка етказиб берувчи хўжалик субъектлари номи	етказиб бериладиган уруғлик ҳажми, тонна
Андижон вилояти	1100	400	“Қаштан элит агрофирмаси” МЧЖ	700
Жиззах вилояти	800	500	“Агровер” МЧЖ	300
Қашқадарё вилояти	1000	-	“Lavr Farm” МЧЖ	1000
Наманган вилояти	align="center">1500	align="center">300	“Агровер” МЧЖ	200
			“Bananza Trade Export” МЧЖ	1000
Самарқанд вилояти	align="center">15595	align="center">2100	“Олмазор Агро тайёрлов савдо” МЧЖ	2000
			“Yang Fortuna Logistika” МЧЖ	3000
			“Bananza Trade Export” МЧЖ	1500
			“Agromax Export Impex” МЧЖ	1500
			“Жиззах картошкачилик маркази” МЧЖ	500
			“Lavr Farm” МЧЖ	1000
			“Atlant International” МЧЖ	1000
			“GMG Agro Trading” МЧЖ	1000
			“Agro Gold Premium” МЧЖ	500
			“Агровер” МЧЖ	500
“Қаштан элит агрофирмаси” МЧЖ	995			
Тошкент вилояти	6000	6000	-	-
Фарғона вилояти	1500	-	“Agromax Export Impex” МЧЖ	1500
Сирдарё вилояти	900	-	“Atlant International” МЧЖ	900
Жами:	28395	9300		19095

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил « 6 » июндаги
462 -сон қарорига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 декабрдаги 1100-ф-сон фармойишининг 2-банди учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

қиш ва баҳор мавсуми захираси учун четдан истеъмол картошкаси ва гуруч маҳсулотларини келтириш мақсадида тижорат банкларига 70,0 млрд. сўмни йиллик 8 фоиз ставкада 2019 йил 27 декабргача бўлган муддатга қайтариш шarti билан жойлаштирсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1065-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган реализация қилиш оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Картошка, уруғлик картошка, шу жумладан, импорт қилинган уруғлик картошка»;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Гуруч (барча навлари), шу жумладан, импорт қилинган гуруч».

